

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА СЕВАРА СУЛТАНОВНА**

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ РОМАНЛАРИДА АЁЛ РУҲИЯТИ ТАСВИРИ**  
**(АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ВА САМУЭЛЬ РИЧАРДСОН ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон - 2021**

УЎК:82.09:159.922-055.26(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Усманова Севара Султановна**

Ўзбек ва инглиз романларида аёл рухияти тасвири (Абдулҳамид Чўлпон ва Самуэл Ричардсон ижоди мисолида) .....3

**Usmanova Sevara Sultanovna**

Depiction of the female psyche in Uzbek and English novels (on the example of Abdulhamid Chulpon and Samuel Richardson).....25

**Усманова Севара Султановна**

Изображение женской психики в узбекских и английских романах (на примере творчества Абдулхамид Чулпона и Самуэля Ричардсона)  
.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА СЕВАРА СУЛТАНОВНА**

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ РОМАНЛАРИДА АЁЛ РУҲИЯТИ ТАСВИРИ**  
**(АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ВА САМУЭЛ РИЧАРДСОН ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD//Fil669 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) веб-саҳифанинг [www.adu.uz](http://www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Касимов Абдугапир Абдиқаримович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қобилова Зебохон Бакировна**  
филология фанлари доктори

**Пардаева Зулфия Жўраевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.fii.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 09 соат 93 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел.: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (93 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел.: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 09 кун таркатилади.  
(2021 йил «    »      даги      рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Х.Шоҳабитдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

**М.И.Умарходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида Ғарб ва Шарқ адабиётининг маърифатчилик йўналишида яратилган дурдона асарларни қиёсий методлар асосида концептуал ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу йўналишда турли минтақа ва турли адабий муҳитда муайян бадиий тамойиллар асосида яратилган романларни типологик ўрганиш, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ижодкорлар маҳорати доирасида қиёслаш, ушбу асарларда илгари сурилган мавзу, концептуал ғояларнинг бадиий ифодасига хос муштарак ва фарқли – ўзига хос жиҳатларни ёритишдек муҳим масалалар ҳал этилмоқда.

Дунё адабиётшунослик илмида ўзга макон ва замон адабиёти намояндалари асарларини қиёсий ўрганиш муаммонинг назарий асосларини яратишда аҳамиятли бўлиб, бу ўринда инглиз ва ўзбек маърифатчилик адабиёти мисолида аёл руҳияти тасвири билан боғлиқ миллий-маданий белгиларни қиёсий-типологик, фалсафий-маданий аспектда тадқиқ этиш долзарб масаладир. Бадиият доирасидаги бу каби изланишлар натижасида халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни англаш фалсафаси орқали ижодкорнинг бадиий тафаккурига кириб борилади.

Ўзбек адабиётшунослигининг замонавий ютуқларида хориж ва ўзбек ёзувчилари асарларини қиёсий ўрганиш ва дунё маданияти сахнасида миллий асарларимизнинг ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайдиган масалалар ечимига қаратилган тадқиқотлар ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Зеро, жаҳон адабиёти солномасида бирор бир роман йўқки, унда аёл тимсоли бадиий тажассумини топмаган бўлса. Аёл образи ёрқин бўёқларда тасвирланган бадиий асарлар сирасига маърифатчилик даврида яратилган романларни ҳам киритиш мумкин. Маълумки, жаҳон адабиёти тамаддунининг ўзига хос босқичи – маърифатчиликда яратилган асарларда маънавий қарамликка, кўрқув ва ҳадикка, зулмга қарши кураш, қолаверса, аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрни, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қаламга олинади. Бу эса ушбу йўналишдаги ҳар бир асарни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишга замонавий тизимли таҳлилнинг интеграцион метод ва усулларини қўллаш, мазкур тадқиқотларнинг илмий-ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатларига эътибор қаратиш заруратини белгилайди.

Мустақиллик йилларида ўзбек адиблари асарларини чет тилларига, хорижий адиблар асарларини эса ўзбек тилига таржима қилишга бўлган эътибор янада кучайди. Бугунги кунда мамлакатимизда “...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини

яратиш”<sup>1</sup>га алоҳида эътибор қаратилиши ўзбек ва чет тилларда яратилган бадий асарларни қиёсий-чоғиштирма аспектда тадқиқ этишнинг нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади. Хусусан, ўзбек ва инглиз романларида аёл руҳияти тасвирини А.Чўлпон ва С. Ричардсон ижоди мисолида илмий тадқиқ қилиш ҳамда назарий асосларини белгилаб олиш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги фармони, 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожатномаси ва яна бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижросида ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида қиёсий адабиётшуносликка бағишланган қатор илмий асарлар яратилган. В.Жирмунский, Н.Конрад, Д.Дюришин, А.Дима, И.Неупокоева, В.В.Виноградов, В.Е.Хализев, М.Б.Храпченко, А.А.Потебня, М.М.Бахтин, каби олимларнинг тадқиқотларида қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим назарий масалалари кенг ёритилган<sup>2</sup>.

Ўзбек адабиётида Н.Комилов, Ф.Сулаймонова, Б.Саримсоқов, А.Қосимов, С.Мелиев, Р.Абдуллаева, О.Искандарова, Ф.Жўраева, Н.Тоирова,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль, №28 (6722).

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979; Конрад Н.И. Запад и Восток. – М., 1972; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979; Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – М.: Прогресс. 1977; Неупокоева И.Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. – М.: Наука, 1963; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С.397; Храпченко.М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы.–М.: Писатель,1975. – С.407; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 614; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 502.

Г.Халлиева, Х.Джалилова, У.Саидовлар томонидан миллий адабиётимизнинг бошқа халқлар адабиёти билан ўзаро алоқалари ўрганилган<sup>3</sup>.

Чўлпоншунослик ҳамда миллий уйғониш даври адабиётига оид масалаларни эса О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, Б.Назаров, Ҳ.Болтабоев, Н.Каримов, Б.Қосимов, Д.Қурононов, С.Мамажонов, У.Норматов, Б.Каримов, З.Эшонова, М.Йўлдошев, У.Носиров, А.Расулов, М.Қўчқоровалар тадқиқ этганлар<sup>4</sup>.

Самуэль Ричардсон поэтик маҳорати бўйича Леван Гералд, Д.Блеватт, Э.Брофи, Л.Сидней, М.Воканстраф, К.Обриен, Ж.Бреди, Дуди Маргарет Анна, Флиен Кэрел Хулиан, Индик Ивор, Ж.Муллан, Жон Пирс ва рус олимларидан Н.П.Костюк, К.А.Мнацаканян, Е.А.Бондаренколар илмий изланишлар олиб борган<sup>5</sup>.

---

<sup>3</sup> Комилов Н. Ибн Сино ва Данте. – Т., 1983; Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1999; Саримсоқов Б. Фольклоризм типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. – № 4. – Б.37-46; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1999; Мели С. Данте ва Навоий: юксак фазоларда учрашув // Жаҳон адабиёти, 1998. – № 2. – Б.6-12; Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти (адабий алоқа, таржима ва адабий таъсир масалаларига доир): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1986; Искандарова О. “Диёнат” ва “Қиёмат” романларида инсоний муносабатларнинг бадиий тасвири: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1995; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1998; Жўраева Ф. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2000; Тоирова Н. Бадиий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғоявий-эстетик вазифалари (Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2018; Халлиева Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2016; Джалилова Х. Саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари (XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилик адабиёти ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2008. – 170 б.; Саидов У. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида комил инсон масаласи (Европа маърифатчилик адабиёти билан қиёсий ўрганиш тажрибасидан): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2002. – 161 б.

<sup>4</sup> Шарафиддинов О. Дунёда офтоб борки // Ҳақиқатга садоқат. – Т., Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.334-344; Болтабоев Ҳ. Стилевые искания современной узбекской прозы (70-е годы): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1989; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т., Шарқ, 2004. – Б.288; Мамажонов С. Наср, давр, қахрамон. – Т., Адабиёт ва санъат, 1983; Норматов У. Насримиз анъаналари. – Т., Адабиёт ва санъат, 1978; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Т., Ёш гвардия, 1985; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Т., Адабиёт ва санъат, 2016 – Б.6-35; Носиров У. Ижодкор, шахс, бадиий услуб, автор образи. – Т., Фан, 1981. – 198 б.; Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. – Т., Шарқ, 2007. – Б.333; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва рухият манзаралари. – Т., Мухаррир, 2011.

<sup>5</sup> Levin Gerald. Richardson the Novelist: The Psychological Patterns New York: Humanities Press. 1978; Blewett D. Passion and Virtue: Essays on the Novels of Samuel Richardson Toronto: University of Toronto Press. 2001; Brophy E. Samuel Richardson. – Boston (Mass.), 1987. – P.18; Lanier Sydney. The English Novel: A Study in the Development of Personality. – London, 1997. – P. 47; Wollstonecraft M. A Vindication of the Rights of Woman/ Mary Wollstonecraft. – London: Penguin, 1975. – P. 340; O’Brien K. Women and Enlightenment in Eighteenth-Century Britain: Cambridge Univ. Press, 2009. P.792; Brady Jennifer. Readers in Richardson’s Pamela. English Studies in Canada, Vol. IX. – 1983. – P.164-176; Doody Margaret Anne. A Natural Passion: A Study of the Novels of Samuel Richardson. Clarendon Press. – Oxford, 1974; Flynn Carol Houlihan. Samuel Richardson: A Man of Letters. Princeton University Press. Princeton, NJ, 1982; Indyk Ivor. Interpretative Relevance, and Richardson’s Pamela. Southern Review Australia, Vol. 16. – 1983. – P. 31-43; Mullan John. Sentiment and sociability. The Language of Feeling in the Eighteenth Century. Clarendon Press. Oxford. 1990; Pierce John B. Pamela’s Textual Authority Eighteenth-Century Fiction. Vol.7. – 1995. – P. 131-146. Костюк Н.П. Философия просвещения и статус женщины в обществе xviii // Антропологічні виміри філософських досліджень. – 2015, №7. – Б.88-9; Бондаренко Е.А. Повествовательные модели и их роль в сюжетостроении в романах С. Ричардсона: «Памела, или Вознагражденная добродетель», «Кларисса Гарлоу, или История юной леди», «История сэра Чарльза Грандисона»: Дисс ... канд. филол. наук. – М.: Наук РГБ, 2004. – С.182; Мнацаканян К.А. Образ положительного героя в Английской прозе XVIII века // Вестник ПСТГУИИ: Филология, 2009. – №3(17). – С.88-96.

Европа адабиётида аёл образи талқини бўйича ўзбек олимларидан Н.Муҳаммедова, Х.Муҳаммедова, У.Файзуллаеваларнинг тадқиқотлари мавжуд<sup>6</sup>.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида аёл образи тасвири хусусида Х.Лутфиддинова, Раҳим Гулшан, Ш.Тўйчиевалар илмий изланишлар олиб борган бўлса-да, уларда жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий таҳлил амалга оширилмаган<sup>7</sup>. Шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ва XVIII аср Европа маърифатчилик адабиёти ўртасидаги ўхшашликлар, ижодкорлар услуби, образлардаги психологизм муаммолари қиёсий жиҳатдан тўла тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Поэтика муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** А.Чўлпон ва С.Ричардсон романлари мисолида ўзбек ва инглиз маърифатчилик адабиётида аёл руҳиятининг бадиий тасвирини илмий тадқиқ қилишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва инглиз маърифатчилик адабиётининг ижтимоий-фалсафий асосларини белгилаш;

бадиий адабиётда тарихий давр ва миллий ўзига хослик нуқтаи назаридан аёллар образини яратишдаги муштарак ва фарқли жиҳатларни очиб бериш;

Самуэль Ричардсон ва Абдулҳамид Чўлпон ижодида аёл руҳияти тасвиридаги бадиий маҳорат қирраларини қиёсий планда таҳлил қилиш;

Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” ва Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” романларида бадиий тасвир воситаларининг ўрни ҳамда ролини тадқиқ этиш;

Ёзувчиларнинг аёл қаҳрамонлар руҳий оламини очиб беришда нутқ ва услуб имкониятларидан фойдаланиш маҳоратини илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз”, Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” ва Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романларида аёл қаҳрамонлар руҳий оламининг бадиий талқини ташкил этади.

---

<sup>6</sup> Муҳаммедова Х.Э. Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси: Филол. фан. номз. ... дисс. –Т., 2019; Муҳаммедова Н.Э. Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий мақомининг ўзига хослиги: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2019; Файзуллаева У.И. Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2020.

<sup>7</sup> Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёл образи (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва Кундуз” романлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994; Раҳим Гулшан Муҳиддин қизи. Абдурауф Фитрат ва жаҳид адабиёти: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1999.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан билан белгиланади:

Ўзбек адабиётидаги жадиличлик ва Европа адабиётидаги маърифатчилик ҳаракатининг шаклланишига сабаб бўлган ижтимоий-тарихий шароитдаги ўхшашлик, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий мақоми борасида ҳам ғоявий яқинликни келтириб чиқарганлиги далилланган;

синфий ва гендер тенгсизлик жамиятидаги қуйи табақа вакилининг бадиий тасвири жаид ва Англия маърифатчилиги адабиётидаги аёллар образига хос муштарак хусусиятлар эканлиги очиқ берилган;

“Кеча ва Кундуз” ҳамда “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романлари қаҳрамонлари Зеби ва Памела образларининг қиёсий тадқиқи натижасида давр, муҳит ҳамда ўзбек ва инглиз аёллари табиатига хос миллий хусусиятларнинг қаҳрамонлар руҳияти талқинидаги ўрни ва роли асосланган.

Зеби табиатидаги шарқона андиша, хоксорлик, журъатсизлик ҳамда Памела тимсолидаги эркин фикрлаш, қатъият, жасорат кўринишлари ўзбек ва инглиз қизлари характерида хос фарқли жиҳатлар эканлиги далилланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” романида аёл руҳияти тасвирида ёзувчи қўллаган бадиий тасвирий воситаларнинг асар ғоявий мазмунини очиқ беришдаги аҳамияти далилланган;

Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романида аёл руҳияти тасвирида адибнинг бадиий психологизм усул ва услубларини қўллаш маҳорати бадиий далиллар асосида исботланган;

тадқиқот жараёнида инглиз ва ўзбек маърифатчилик адабиёти даврий жиҳатдан бир-биридан фарқлансада, Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз”, Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романларида аёл руҳияти тасвири моҳиятан муштараклиги очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танланган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги, натижаларнинг ваколатли тизимлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги назарий хулосалардан олий таълим муассасаларининг бакалавриат ҳамда магистратура босқичларида “Қиёсий адабиётшунослик”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Илмий иш асослари” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган аёл дунёсининг бадиий талқини, бадиий маҳорат ва услуб муаммолари ҳақидаги назарий

хулосалардан олий ўқув юртларининг филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этишда, маъруза машғулотларида, махсус курс, семинарлар ташкил этишда, малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва инглиз романларида аёл руҳияти тасвирини Абдулхамид Чўлпон ва Самуэль Ричардсон ижоди мисолида ўрганиш тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

маърифатпарварлик ҳаракати ва бадиий адабиёт, ўзбек ва инглиз маърифатчилик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида адабий муҳитни шаклланиши ҳақидаги маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Фарғона шаҳар тарихи бўлими” экспозициясида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти 2021 йил 29 июлдаги № 01-03/1393-сон маълумотномаси). Натижада, музей экспозицияси янгиликлар билан бойитилди ва маънавий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди;

Чўлпон ва С.Ричардсон насрида нутқ ва услуб талқини, ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик адабиётида аёл руҳияти оламининг бадиий-психологик асослари ҳақидаги маълумотлардан ОТ-Ф-1-100 “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” (2017-2020 й) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февральдаги №89-03-682-сон маълумотномаси). Натижада, имконияти чекланган ёшларнинг бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга эришилган;

ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик адабиётида аёл руҳиятининг бадиий тасвири, Чўлпон ва Ричардсон ижодида нутқ ва услуб муаммолари борасидаги маълумотлардан Германиянинг Бокум университетининг “Concept and model of educational content and structure of the educational process of the German Institute” (2019-2020) (Nemis institutining ta'lim mazmuni va ta'lim jarayonining konseptsiyasi va modeli) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. Натижада, таълим мазмуни ва таълим жараёнининг концепцияси илмий ва амалий жиҳатдан бойишига эришилган;

жадидчилик ва адабий муҳит, ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик адабиёти ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги материаллардан Озарбайжон давлат педагогика университетининг “Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира” (Ўзбекистон маданий мероси дунё маданий мероси мажмуида) (2018-2019) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. (Озарбайжон давлат педагогика университети 2020 йил 23 март №264/21-FAW-сон маълумотномаси. Натижада, Ўзбекистон маданий меросини дунё маданий мероси мажмуидан ўрин эгаллашига эришилди;

тингловчига бадиий адабиётда аёл тасвирининг бадиий-психологик асослари борасидаги илмий хулосалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг “Farg’ona24”, информаион дастури сонларида ёритиб борилди. Берилган маълумотлар “Адабий мухит”, “Кўнгил мулки” ва “Маънавият қалб кўзгуси” каби кўрсатув ва эшиттиришларда фойдаланилган. (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 8 июндаги 208-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувлар илмий ва амалий жиҳатдан бойиган, ижтимоий хусусиятлари ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 7 та халқаро ва 3 та республика анжуманида маъруза шаклида баён қилинган, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда чоп этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маърифатчилик ҳаракати ва бадиий адабиёт”** деб номланган биринчи бобида маърифатчилик адабиётининг XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Англияда, ўзбек адабиётида эса XX аср бошларида жадиличлик ҳаракатлари кўринишида вужудга келишининг ижтимоий-фалсафий асослари, шунингдек, мазкур давр адабиётида аёл образи талқинлари таҳлил этилган.

Бобнинг биринчи фасли **“Инглиз ва ўзбек маърифатчилик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари”** деб номланган. Ғарбий Европада XVIII аср маърифатчилари “Инсон ўз бахтини ўзи яратади” деган ҳаётий концепцияни илгари сурсалар, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Туркистон ўлкасининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳволи ҳамда Чор Россиясининг босқинчилик сиёсатидан азият чеккан жадилич маърифатчилари халқнинг онги ва қалбини уйғотишга, мавжуд тузум жаҳолатидан халос этишга, миллий руҳ ва миллий қадриятларни, инсон

Ўзлигини англаувчи ғояларни маърифатчилик ҳаракатлари воситасида сингдиришга ҳаракат қилганлар. Адабиётшунос Д.Қуронов жадиличлик ҳаракати ўзининг кўп жиҳатлари билан XVIII асрда Европада кенг қулоч ёйган маърифатчилик ҳаракатига ўхшаб кетишини таъкидлайди<sup>8</sup>. XVIII аср Европа тарихига “маърифатчилик асри” номи билан кириб келган ва миллий уйғониш, илмий, фалсафий ва ижтимоий фикрларни ривожлантиришга қаратилган даврда рационализм ва эркин фикрлаш ғоялари тараққий этди. Маърифатчиликнинг ижтимоий асослари “жамият - давр - дин” боғланишли муносабат орқали пайдо бўлиб, Шарқ ва Ғарб ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётининг XVIII асрдаги маърифатчилик ғоялари асосида шаклланди.

Шарқ ва Ғарб маърифатчилик ҳаракатлари ўзаро фарқланса-да, лекин жаҳон миқёсида интеллектуал-бадий ходиса сифатида муштарак хусусиятларни ҳам намоён этади.

XVIII аср инглиз маърифатчилик адабиётининг тўнғич вакили ва реалистик роман жанрининг асосчиси Д.Дефо ижодида жамиятнинг ижтимоий манзаралари, шахснинг камолатида атроф-муҳит ва табиатнинг таъсири ўз бадий ифодасини топганлиги “Робинзон Крузо” (The Life and Strange Surprising Adventures of Robinson Crusoe, 1719) романи таҳлили асосида ёритилган. Шунингдек, фаслда маърифатчи адиб Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” асарида инсон ва жамият характери масаласи ҳам ўрганилган. Маърифатчилар фикрича, билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, ҳақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда ҳосил қилган тушунчалари, фикр ва мулоҳазаларининг оламга мос келишидан иборатдир.

Туркий халқлар ҳаётида маърифатчилик ҳаракати XIX асрда анча зиддиятли кечди. Маърифатчилик ҳаракати, айниқса, ўзининг ривож топган босқичида Туркистонда ўзга юртлардаги ижобий ютуқлардан фойдаланган ҳолда мустақил маънавий тараққиёт йўлини қидириш ва тарғиб этиш масалаларини олға сурди. Мана шу маърифатпарварлик ҳаракатлари асосида *жадидчилик* тушунчаси кириб келди<sup>9</sup>. Жадиличлик Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгича ўзгаришларни вужудга келтирди. Инглиз маърифатпарварлик адабиётида назарда тутилган “инсон” тушунчаси ўзбек маърифатпарварлик адабиётида ҳам ўз аксини топди. Лекин инглиз адабиётидаги “инсон”, “инсонийлик” тушунчалари замирида одамларнинг ҳаётий интилишлари ва амалий манфаатлари асосий ўрин эгаллайди.

Европа маърифатчиларининг ахлоқ ҳақидаги мулоҳазаларида марказий ўринни манфаат эгалласа, жадидлар, шу жумладан, Фитратнинг ижтимоий қарашлари марказида инсон туради. Жадидалар мукамал инсон концепциясида жамият, миллат, юрт маанфаатлари инсон манфаатлари билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги хулосага келади. Европа

<sup>8</sup>Қуронов Д. Жаҳон адабиётига йўл // Жаҳон адабиёти, 1997. – № 6. – Б.166.

<sup>9</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. – Б.64.

маърифатчилари эса инсон қилган эзгу ишларини ҳам шахсий манфаат билан боғлайдилар.

Бобнинг **“Инглиз маърифатчилик адабиётида аёл образи талқини”** деб аталган иккинчи фаслида XVIII асрда Ғарбий Европада миллий уйғониш даври жамиятида аёл ва унинг ўрни, кадр-қиммати билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган. XVIII асрга келиб, Англияда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи қуйидагича синфийлаштирилган эди:

- 1) қуйи синф вакиллари;
- 2) ўрта синф вакиллари;
- 3) юқори синф вакиллари.<sup>10</sup>

Мамлакатнинг зодагон хонимлари вақтларини қандай ўтказиш ташвишида бўлса, ўрта синф аёллар ўзига мос куёв топиш, кийиниш ва ўзига оро бериш билан овора бўлганлар. Қуйи синф вакилларини эртанги кун учун қаердан егулик топиш ташвиши безовта қилган. Мазкур синфий табақаланишлар ва тенгсизлик масалалари ана шу давр адабиётида ҳам ўз аксини топди.

XVII-XVIII аср бошларида Европада аёллар тенг ҳуқуқлиги учун олиб борилган узоқ курашлар, аёлларга бахт-саодат, ҳуррият, оилавий тинчлик ўрнига бахтсизлик, оналик саодатидан бебахралик, хўрлик, камситилишга олиб келган. Ғарб демократлари қадимда Шарқ аёлларининг “оғир қисмати”, “фожеали ҳаёти” ҳақида аюҳаннос солган бўлса, Европада ҳам ҳурриятга эришган хотин-қизларнинг аҳволи таҳсинга сазовор эмас эди.

Фаслда аёллар олами, уларнинг жамиятдаги ўрни ва руҳий кечинмалари масаласи Д.Дефо, С.Ричардсон, Г.Фильдинг асарлари асосида ёритилган. Адабиётшунос олим И.М.Эрлихсон XVIII аср инглиз аёлларининг жамиятдаги ўрни, уларнинг ижтимоий руҳиятини ҳар томонлама асослаб берган бўлса, А.С.Лиходзиевский Дефонинг Молль Флендерс образининг “реал ҳаётни тасвирлаган ва психологик тавсифга эга образ сифатида шаклланган”<sup>11</sup>лигини эътироф этади. Д. Дефонинг “An essay upon project” памфлетида Англия хотин-қизларини маърифатли қилиш масаласида фикр юритиб, улар ҳам таълим олишга ҳақли эканлигини таъкидлаган. Адиб хотин-қизларнинг билим олиши нафақат ўзи учун, балки оиласи, миллати ва фарзандлар тарбиясида ҳам муҳим эканлигига асослаб беради. Д.Дефо аёллар маърифати масаласини яна бир асари “Молль Флендерс”да ҳам баён этади. Асарда Молль исмли аёлнинг мураккаб ҳаёт йўли у яшаган жамиятнинг аёлларга бўлган муносабатидagi салбий жиҳатлар рўй-рост баён этилади. “Роксана” асарида эса адабиёт тарихида биринчилардан бўлиб бир аёл шахсий ҳаётининг қомуси драматизм ва бадиий психологизм нуқтаи назаридан батафсил таҳлил этилган.

Инглиз адабиётига янги эпистоляр роман жанри билан кириб келган С.Ричардсон асарларида ҳам буржуа тузумидан азият чеккан аёллар

<sup>10</sup>Defoe's Attitude Toward The Position of Women In The Eighteenth Century. диссертация Маргерет Эндербай. Дэнтон. – Техас, 1967.

<sup>11</sup>Лиходзиевский А.С. Человек своего времени // Преподавание языка и литературы, 2015.– № 3. – С. 67.

тасвирланади. Ёзувчи Д.Дефонинг “Молль Флендерс”<sup>12</sup> ва “Роксана” асарлари бош қаҳрамонлари Молль Флендерс ва Роксанадан фарқли равишда ор-номусли, қатъиятли Памела образини яратди. “Памела, ёхуд тақдирланган аёл” асарининг бош қаҳрамони буржуа тузумининг чиркин ва разил жамиятида ҳам ўз иффати ва шаънини сақлаган, ҳалол ва софдиллиги учун асар сўнгида тақдирланган аёл образидир. Ричардсоннинг новаторлиги – унинг халқдан чиққан оддий кизни асар қаҳрамони сифатида талқин этганида. С.Ричардсон Памелани бошқа маърифатчи ёзувчилар қаҳрамонларидан фарқли равишда эзгу фазилатлар эгаси сифатида тасвирлайди. Хотин-қизларнинг иффатли, ҳаёли, ор-номусли ва ҳаёт қийинчиликларига бардошли бўлишлари ва кун келиб улар мана шу фазилатлари учун тақдирланиши Памела тимсолида ўз исботини топади.

Бобнинг учинчи фаслида **ўзбек миллий уйғониш даври адабиётида аёл сиймоси** масаласи тадқиқ этилган. Жадид адабиёти миллий уйғониш, ҳамда эски ижтимоий тарғиботлар ўрнига янгисини ўрнатишга интилиш даврининг адабиётидир. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов жадид адабиёти 20-йилларда ўз ривожининг анча баркамол даражасига етганлиги ва адабиёт кўп жанрли, мазмунан янгиланган, умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи, айниқса, эрк ва озодлик, адолат ва виждонийлик ғояларини олға сурувчи адабиёт бўлганлигини таъкидлаган<sup>13</sup>. Шу билан бирга, жадидшунос олим Б.Қосимов бу адабиётнинг илк намуналари бадииятига кўра у қадар юксак эмас, ғоялар яйдоқ берилиши, шиорбозлик ва чақириқлар кўзга ташланиши ҳақида фикр юритган эди<sup>14</sup>. Чунки ҳар бир давр адабиёти, аввало, ана шу даврнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий хусусиятлари таъсирида пайдо бўлади.

Туркистонда XIX аср охирларида жадидлар томонидан аёллар ўрни ва қадри масаласига жиддий эътибор қаратилди. И.Гаспиринскийнинг публицистик мақолаларида жамиятда аёлларнинг ўрни масаласи ижтимоий муаммо сифатида кўрсатилади. Гаспиринскийнинг 1906 йилда “Олами нисвон” (Аёллар дунёси) номли журнални ташкил этиши, мазкур журналда қизи Шафиқанинг муҳаррирлик қилиши ҳам жамиятда хотин-қизлар ролини янада кучайтириш заруратидан келиб чиқади. Унинг “Дору р-роҳат” асарида ҳам Фарида образи орқали ўтмишда аёлларга бўлган муносабат ёритилган.

Абдурауф Фитрат асарларида ҳам аёллар олами кенг тасвирланган. У ўзининг “Оила” номли асарида “Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”<sup>15</sup>, деб ёзади. Оилада кучли интизом, саодат ва иззатни шакллантирадиган шахс эса аёлдир. Аёл оила асосини тўғри қуришда, ёш авлодни баркамол вояга етказишда, миллат тақдирини бунёд этишда ўз ўрнига эга.

<sup>12</sup> Дефо Даниель. Молль Флендерс. <https://toplib.net/knigi/3863-defo-daniel-moll-flenders>.

<sup>13</sup> Қосимов Б. Ўзбек адабиёти ва адабий алоқалар тарихи. Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2008.–Б.274 .

<sup>14</sup> Кўрсатилган асар. –Б.128 .

<sup>15</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.4.

Аёлларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, илм-маърифатли, зиёли бўлишини истаган маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий эътирофига кўра: “Аёл зотини чин зийнати бу ҳаё, ифбат ва ибони сақлаган ҳолда бўлади”<sup>16</sup>. Туркистон аёлларининг аксарияти илмдан, маърифатдан бебаҳра қолаётганидан қаттиқ қайғурган Бехбудийнинг “Тараққий этган миллатларнинг оналари ўқитар экан, биз аввал онамизни ўқитуб, анга тил ўргатмоғимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур”<sup>17</sup>, деган фикрлари жамиятни маърифатли қилишга қаратилган чақириқ эди.

XX асрнинг 20-30 йиллар ўзбек адабиётида аёллар образига энг кўп мурожаат этган ижодкорлардан бири Абдулла Қодирийдир. Адибнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида ўзбек аёлларининг олами бетакрор образлар орқали очиб берилган.

Абдулҳамид Чўлпон ижодида ҳам ўтмишда аёлларга бўлган муносабат, улар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши, аянчли қисмати, дарду ҳасратлари ёритилган. Хусусан, унинг “Кеча ва Кундуз” романида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ҳақида сўз юритилади. Асардаги барча аёл образларида мазлум Шарқ аёлларига хос куюнчаклик, фидойилик, мутелик тасвирланади.

Х.Лутфиддинова Қодирий ва Чўлпон томонидан яратилган аёл образларига таъриф бериб Кумушбиби ва Зебинисоларда миллий ўзига хосликни учратсак, Раъно образи орқали Европа аёлларига мойилликни сезамиз<sup>18</sup> деганида аёллар образини яратишда Шарқ адабиёти билан бирга Европа адабиётидан таъсирланиш мавжудлигига ишора қилган эди.

Умуман, XIX аср, охири ва XX аср бошларида ўзбек маърифатчилик даври адабиётдаги аёл образи ва бадий сиймоси ҳамда аёл оламига бўлган эътибор, жамият тараққиётида аёлнинг ўрни ва ижтимоий ҳаётда аёллар мавқеининг ошиб бораётганлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бадий адабиётда аёл тасвирининг бадий -психологик асослари”** деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи фаслида психологизм бадий адабиётда етакчи тасвир усули сифатида ўрганилган.

XIX аср рус адабиётшунослигида Лев Толстой ижоди таҳлили натижасида бадий психологизмда “қалб диалектикаси” принципини кашф этган Н.Г.Чернишевскийнинг ҳар бир ёзувчи ижодида руҳий тасвирнинг бир неча йўналишлари бўлиши ва улардан бирининг ижодда етакчи ўрин тутиши ҳақидаги хулосаси, психологик таҳлилнинг аналитик, динамик ва типологик принципларини тадқиқ этиши бадий психологизм бобидаги кўплаб кашфиётларга методологик асос бўлди, десак муболаға бўлмайди.<sup>19</sup>

<sup>16</sup>Бехбудий М. Саёҳат хотиралари /Танланган асарлар. – Тошкент: – Б.139.

<sup>17</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000.– Б.140.

<sup>18</sup> Лутфиддинова Х. Гулларнинг Раъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

<sup>19</sup> Лебедива Е.В. Диалектика души(развитие через противоречия) героя-странника в творчестве позднего Л.Н.Толстого // Вестник Нижегородского университета им.Н.И.Лобачевского, 2009. – №2.– С.312-315.

Ҳар қандай даврда яратилган бадиий асарда инсон руҳий оламини яратишда ёзувчилар ўзига хос усул, услуб ва манераларни қўллашган, бора-бора эса улар ёзувчи маҳоратини юзага чиқарадиган асосий услубга айланиб боргани учун ҳам адабиётшунослар томонидан атрофлича ўрганила борди ва бадиий психологизм термини илмий муомалага киритилди, шу билан бирга, муайян методологик асосни ташкил этувчи назарий тадқиқотлар яратилди.

Ҳар бир ёзувчи ижодида психологик тасвир ёзувчининг тафаккур тили ва унинг бадиий имкониятларидан келиб чиқиб қўлланилади. Адабиётшунос Ҳ.Умуров, рус олими М.Храпченконинг психологик таҳлилнинг аналитик, динамик ва типологик принциплари хусусидаги хулосалари асосида у таклиф этган типологик принцип бирмунча сунъий эканлигини асослаб беради. Олим ўзбек романчилиги мисолида психологизмнинг турли йўналишдаги принциплари уйғунлашган ҳолда қўлланилиши натижасида алоҳида синтетик принцип намоён бўлишини очиб беради. Адабиётшунос «психологизм асар бадиийлигининг асосий кўрсаткичларидан, ёзувчи услубининг ўзига хослигини таъминловчи бош воситаларидан бири»<sup>20</sup> эканлигини таъкидлайди.

Психологизм, авваламбор, бадиий-эстетик қимматга эга, у муаллиф аксиологияси ва дунёқарашининг кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Психологизм адабиёт ва санъатда инсоннинг руҳий кечинмалари ва ички дунёсини теран тасвирлаш орқали намоён бўлади.

Бадиий психологизм тушунчаси Ғарб адабиётига XVIII асрнинг иккинчи ярмида кириб келган бўлса, XX асрга келиб, З.Фрейд ва К.Юнгнинг “руҳий таҳлил” таълимоти, шахс онги, онг ости олами ва руҳияти хусусидаги қарашлари адабиётшуносликка ҳам таъсир этмай қолмади. Олимлар томонидан замонавий дунё адабиётшунослигида бадиий адабиётни психопозетик нуқтаи назардан таҳлил ва талқин қилувчи бир қанча назарий қарашлар, усул ва методлар ишлаб чиқилди.

Бадиий психологизм маданий-тарихий, фалсафий-психологик, бадиий эстетик аҳамият касб этиши билан бирга, муҳим назарий тушунча сифатида адабиётшунослик тақомили учун ҳам хизмат қилади. Шу боис ишда адабиётшунослар хулосаларига таянган ҳолда психологик таҳлилнинг динамик, аналитик, синтетик ва ичдан кўрсатиш тамойиллари асосида ўзбек ва инглиз романларида аёл руҳияти тасвири масаласи тадқиқ этилган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романида аёл олами”** тадқиқига бағишланган. Европа адабиёти тарихида эпистоляр романнинг юзага келиши ва унинг илк тараққиёт босқичлари Самуэль Ричардсон номи билан боғлиқ. Адабиётшунос Е.А.Бондаренко Самуэль Ричардсон ижодига юқори баҳо беради: “Ҳар бир асрда унинг (Самуэль Ричардсоннинг) ижодига бўлган қизиқиш ортиб борди,

---

<sup>20</sup> Умуров Х. Рисолалар. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.7.



негаки ғарб романчилигини, хусусан, эпистоляр романнинг яратилиши ва тараққиётини ёзувчи ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди”.<sup>21</sup>

Эпистоляр жанрда яратилган асарларга хос хусусият – қаҳрамон руҳий оламини кенг яратиш “Памела ёхуд тақдирланган фазилат”да Памела томонидан тутилган кундаликдаги битикларда амалга оширилади. Асар икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчи қисмда Памеланинг ички туйғулари мактуб орқали тасвирланса, иккинчи қисмда қаҳрамоннинг таассуротлари унинг кундалиги орқали баён этилади. Памела образи инглиз файласуфи Ж.Локкнинг “табiiй одам” концепциясига мос келади. Романда инглиз маърифатчилик даври бадиий инъикоси сифати яратилган. Памела ота-онасига ёзган хатида бекаси Б. хонимнинг вафотидан чуқур қайғу ва изтиробга тушганлигини, у киши жуда ҳам сахий ва олижаноб инсон бўлганини алам билан таърифлайди: *I have great trouble, and some comfort, to acquaint you with. The trouble is that my good lady died of the illness I mentioned to you, and left us all much grieved for the loss of her; for she was a dear good lady, and kind to all us her servants*<sup>22</sup>. – Мен чуқур қайғу ва изтиробдаман. Хоним касаллик туфайли оламдан ўтди. У ҳаммамиз учун азиз ва меҳрибон хоним эди. (Таржима бизники. У.С.)

Ричардсон Памеласининг эътиборга молик жиҳатларидан бири – ўзининг юксак инсонийлик туйғулари билан атрофидагиларга таъсир қила олишида. Оддий хизматкор қиздаги оқилалик, фозилалик, ўзига хос қадриятларга эгаллиги, ота-онаси олдидаги фарзандлик бурчлари – Ричардсон орзу-умидлари – ўша давр инглиз жамиятига хос табақаланиш шароитида инсон мавқеи, қадри фақатгина инсоннинг ўзига хос фазилатлари билан белгиланиши мумкинлиги Памела образи орқали очиб берилган. Умуман олганда, Ричардсон инглиз маърифатчилик концепциясида аёлнинг ҳаётдаги мавқеини Памела сингари бўлишини орзу қилган. Асарнинг ғоявий-бадиий моҳияти ҳам худди мана шунда.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли **“Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида аёл руҳияти муаммосига бағишланган.**

Чўлпон бадиий олами “Кеча ва кундуз”да Мирёкуб, Акбарали, Зеби, Марям каби бадиий образлар орқали намоён бўлади. Айниқса, ёзувчи яратган аёллар образи бетакрор, бадиий салмоққа эга. Адиб “Кеча ва кундуз” романида бадиий образларни яратишда психологизмнинг психологик портрет туридан кенг фойдаланган. Бундай ҳолатни романдаги аёллар образида ҳам кузатиш мумкин. Ҳаётни реалистик тасвирлаш, ундаги инсонларнинг руҳий дунёсини ёритиб бериш, Чўлпон ижодига хос бўлган жиҳатлардан биридир. “Кеча ва кундуз” романидаги Зеби, Қурвонбиби,

<sup>21</sup> Бондаренко Е.А. Повествовательные модели и их роль в сюжетостроении в романах С.Ричардсона: “Памела, или Вознагражденная добродетель”, “Кларисса Гарлоу, или История юной леди”, “История сэра Чарльза Грандисона”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – 2004. <https://www.dissercat.com/content/povestvovatelnye-modeli-i-ikh-rol-v-syuzhetostroenii-v-romanakh-s-richardsona-pamela-ili-voz>

<sup>22</sup>Samual Richardson. Pamela or virtue rewarded.

<https://web.archive.org/web/20180327235035/https://ebooks.adelaide.edu.au/>

Салтанат, Пошшоҳон, Мария Степановна каби аёл образлари психологизмнинг юқорилиги, зиддиятнинг кучлилиги, ички оламининг мураккаблиги билан муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи асарда интроспекция усулидан унумли фойдаланиш орқали – Зеби образидаги ички ҳис-туйғулар, қалб кечинмалари ҳамда унинг руҳий олами билан боғлиқ психофизиологик ҳолатни қаҳрамон мулоҳазаси ва сарҳисоби орқали тасвирлаб беради.

Адабиётшунос Д.Қуронов Зеби образи хусусида “Кеча”нинг энг дилбар қаҳрамони – Зеби образини яратишда Чўлпон “эврилиш санъати”нинг беқиёс намунасини намоён қилади. Зеро, А.Қодирий Раъно ҳақида “табиат ҳасис эмас: тикандан гул, аридан бол яратаверади” дегани каби, Зеби ҳам Раззоқ сўфи хонадонида ўша саховатли табиат мўъжизасидек ажралиб туради. Академик Н.Каримов эса Зебини беозор, ҳамманинг кўзи ва дилини қувонтирадиган чечак – бинафшага қиёслайди. Адиб Зеби образи орқали миллат аёлларининг эркинликка, ёруғ кунларга ташна бўлган руҳий ҳолатини кенг тасвирлаб берган. Муаллиф асарда бадиий воқеликни муҳим компоненти ҳисобланган пейзаждан қаҳрамон руҳиятини очиб беришда унумли фойдаланган. Асар тузилиши унинг шаклий ва мазмуний бутунлигини таъминлаш билан бирга ўқувчига психологик ва ғоявий-эстетик таъсир бағишлайди. Чўлпон асарда Зебининг бадиий портретини унинг оҳанграбодай овози орқали баён этади.

Агар Чўлпоннинг Зеби, Ричардсоннинг Памела образлари ўзаро қиёсланса, (1-2 жадваллар) улар характериға хос умумийлик ва хусусийлик акс этган қуйидагича манзара ҳосил бўлади:

1-жадвал

<i>характерига хос хусусийлик/алоҳидалик</i>	<i>Зеби</i>	<i>Памела</i>
	саводсиз	саводли
	шаҳарлик қиз	қишлоқлик қиз
	портрети билвосита тасвирланган	портрети бевосита тасвирланган
	шарқона андиша, мутелик, журъатсизлик	европача эркин фикрлаш, жасорат
	жоҳил ота фарзанди	маърифатли ота фарзанди
	фожеий тақдир эгаси	саодатли тақдир эгаси

2-жадвал

<i>Қаҳрамонлар характериға хос умумийлик/муштараклик</i>	<i>Зеби</i>	<i>Памела</i>
табиатидаги руҳий яқинлик	✓	✓
оддий халқ вакили	✓	✓
15 ёшли балоғатга етган қиз	✓	✓
ўз замонасининг ижтимоий тенгсизликлар, жаҳолатга юз тутган жамият вакили	✓	✓

Ишнинг учинчи боби “Ўзбек ва инглиз романчилигида аёл образининг бадиий талқини” деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи фаслида Чўлпон ва Ричардсон романларида бадиият муаммолари тадқиқ

этилган. Б.Саримсоқов бадийликни мазмун ва шакл бирлиги ва уларнинг уйғунлиги, тасвир ва ифоданинг ҳаққонийлиги, пафоснинг ҳаётийлиги ва тиниқлиги, тасвир ва ифоданинг аниқлиги, бетақрорлик(оригиналлик), эстетик баҳо, шартлилик миқёси ва даражаси, тил бадиияти каби мезонлар асосида ўрганган<sup>23</sup>.

Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилят” ва Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романларида ҳам жамиятдаги хотин-қизларнинг ўрни ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқи масаласи бадий ифода этилган. Мазкур асарлар бадий унсурларини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида, словак компаративисти Д.Дюришиннинг “ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни фақат адабий йўналишлар, жанр ва жанр кўринишлари доирасида эмас, балки ғоявий, психологик йўналиш, персонажлар тавсифи, композиция ва сюжет қурилиши, мотивлар, образлар тизими, бадий асар асосини ташкил этувчи унсурларни назарда тутган ҳолда ҳам таҳлил қилиш лозим”<sup>24</sup> лиги ҳақидаги хулосасига таянилди.

Чўлпон эркисизлик, мутелик каби қарашларни Зеби образи билан бир қаторда асардаги Қурвонбиби, Салтанат, Мингбошининг бошқа хотинлари тимсолида ҳам ёритиб берган. Қўшхотинлик, ишратбозлик, фисқу фасод, уқувсизлик ва саводсизлик каби иллатлар охир-оқибат жамиятни таназулга олиб келиб, мутелик ва эркисизлик иллатининг илдиз отишига сабаб бўлди. Ёзувчи ўша давр муаммоларини, ўзи қалбан ҳис этган дарду аламларни, мустабид шўро тузумининг қабихликлигу разилликларини очиб беришда аёллар образларидан унумли фойдаланди.

“Кеча ва кундуз” романида асарнинг бадий ғояси XIX асрда Туркистонда ижтимоий аҳволнинг конкрет кўриниши, маънавий тубанлик, халқни жаҳолат ботқоғига ғарқ бўлгани, мутелик, эркисизлик каби иллатларнинг жамиятда ҳукмронлик қилишидир. Самуэль Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилят” асаридаги мавзу Пуристан даврида инглиз халқининг ижтимоий-маънавий ҳаётини ёритишдан иборат бўлса, романнинг бош ғояси эса аёлнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатишдан иборат эди.

Романларнинг энг муҳим ўхшаш жиҳати бош қаҳрамонлар оддий халқ вакили бўлган аёллар эканлигида.

Ҳар икки асар хроникали сюжет асосига қурилган бўлиб, экспозициядан ўринли фойдаланилган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Кеча ва кундуз” ҳамда “Памела ёхуд тақдирланган фазилят” романларида нутқ ва услуб** талқинига бағишланган. Романларга хос бадийлик мезонларини белгилашда тил хусусиятларининг ўрни бекиёсдир. Ёзувчиларнинг нияти, ғояси фақат тил, унинг тасвир ҳамда ифода воситалари орқали такомиллашадиган ҳар икки романда инглиз ва ўзбек халқи тарихидаги бир-биридан салкам икки юз йил фарқ қилувчи даврларнинг бадий модели яратилган.

<sup>23</sup>Саримсаков Б.И. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б. 92-116.

<sup>24</sup> Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1979. – С.183.

Ричардсон романида кўчимлардан самарали фойдаланган. Жумладан, романдаги “**expert at my needle**” (игна ушлашга сабабчи) ифодасида синекдоха (бу ўринда ёзувчи *игна* сўзининг маъносини кўчириш орқали *тикувчиликни* назарда тутди), “**eyes run**” (кўз ёш тўкмоқ) ифодасида эса метафора қўлланган.

Чўлпон ҳам “Кеча ва кундуз” романида метафорик кўчим турларидан, ўзлашма сўзлардан, фразеологик бирликлардан самарали фойдаланган. Масалан, “*Зеби (Зебиниса)нинг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан, кўнгли баҳорнинг илик ҳовури билан очила тушган*”. Ёзувчи занглаб чиққан метафораси орқали кўнгилинг сиқилган, ўртанганлигига ишора қилган. Бундан ташқари, Зеби нутқида шева ва лаҳжага оид сўзлардан унумли фойдаланилганлиги асар бадиияти ва эстетик қимматини оширишга хизмат қилган. Масалан, Зеби нутқида оид “бу қиз энасининг гапига кирмас экан” парчасидаги *эна* сўзи айнан водий шеваларига хос бўлса, ёзувчи *дилгир* (форсча), *жавлонгоҳ* (арабча), *оми* (арабча), *рели* (инглиз), *обжувоз* (форсча), *капнон* (арабча), *муқобала* (арабча), *десатина* (русча), *закунчи* (русча), *пристав* (русча), *ликёр* (французча), *дур дароз* (форсча), *сарт* (форсча) каби бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан кенг фойдаланган.

Агар С.Ричардсон қаҳрамони Памеланинг маърифатли қиз бўлиб, ўз ҳаёт йўлини танлашига атрофидаги кўплаб инсонлар сабабчи бўлган бўлса, Чўлпон яратган Зебининг бахтсиз ва маҳкума бўлишида ҳам у яшаган муҳит, ҳатто отаси ҳам дахлдордир. С.Ричардсон ижоди XVIII асрга хос, роман жанри ҳали мумтозлик даражасига кўтарилмаган, шунингдек, бадий образлар яратишда ҳам маҳорат масалалари долзарб бўлиб турган бир пайтда, Чўлпон романи ҳам ўзбек романчилиги энди шаклланаётган, услублар эндигина намоён бўлаётган бир паллада яратилган бўлса-да, ижодкорлар ўша даврга хос жамият тафаккурини бадий сўз санъатининг мукамал даражасида бера олганликлари билан характерланади. Таъкидлаш жоизки, С.Ричардсон ва А.Чўлпон қўллаган бадий сўз воситалари улар мансуб бўлган халқнинг тил бойлигини, нутқий ифода имкониятларини ҳам кўрсатиб берган. Демак, ҳар икки ёзувчи асарлари бадийлиги, уларнинг ижод маҳорати ва ўзига хос бадий сўз санъатини ярата олиш даражаси билан белгиланади.

Бадий услуб такомилида ижодкор сўз санъатининг ўрни беқиёсдир. Китобхон эстетик тафаккурининг шаклланишида рецептик функцияни бажариш, нутқнинг ранг-баранглигини таъминлаш бадий услубнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Профессор Й.Солижонов “Мабодо автор ўз услубига эга бўлмаса, унинг ёзувчилиги тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар унинг ўз тили, услуби шаклланган бўлсагина ёзувчилигига умид боғлаш мумкин.”<sup>25</sup>, деб таъкидлайди. Ёзувчининг услуби унинг бадий маҳоратини белгилайди. Ёзувчининг ўзига хос индивидуал услубини белгилашда асардаги персонажлар нутқи алоҳида аҳамият касб этади. Абдулҳамид Чўлпон ва

<sup>25</sup>Солижонов Й. Нутқ ва услуб. –Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2002. – Б.8.

Самуэль Ричардсон романларидаги персонаж нутқига хос суҳбатлар, диалоглар, монологлардан унумли фойдаланган ҳолда қаҳрамонлари ички оламини, уларнинг характеридаги чизгилар шаклланишини кўрсатиб берганлар.

Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида монологик нутқдан персонаж (Зеби, Марям, Мирёкуб) ларнинг руҳий кечинмалари, ўй-фикрлари, ички оламини ёритиб беришда кенг фойдаланган. “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романида ҳам монологик нутқнинг специфик хусусиятлари кўзга ташланади. Эпистоляр жанрда кўпинча монологик нутқ диалогик нутқ билан узвий боғланган бўлади. Ёзувчи асарда монологик нутқ орқали персонаж характерида хос муҳим белгиларни очиб беришга эришган: *God, whose graciousness to us we have so often experienced at a pinch, put it into my good lady's heart, on her death-bed, just an hour before she expired, to recommend to my young master all her servants, one by one; and when it came to my turn to be recommended, (for I was sobbing and crying at her pillow) she could only say, My dear son!- and so broke off a little; and then recovering-Remember my poor Pamela-And these were some of her last words! O how my eyes run-Don't wonder to see the paper so blotted*<sup>26</sup>.

-Худо менга хонимнинг қалбидан жой эгаллашимга кўмак берди. У сўнги нафасига қадар, барча хизматчилардан ризолик сўради. Менга навбат келганда эса ўзгли жаноб Бга васият қила бошлади: “Қадрли ўғлим!” дея бир нафас тўхтаб қолди ва сўнги сўзида “Памелага яхшироқ гамхўрлик қилишга сўз бергин” дея бандаликни бажо келтирди. Мен сизларга ушбу хабарни қалбим вайрон ва кўзим тўла ёш билан хабар қилмоқдаман. (Таржима бизники-У.С.)

Чўлпон ва Ричардсон ижодида нутқ ва услуб муаммоларини қиёсий ўрганиш натижасида ҳар икки ижодкорнинг ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатларини кўриш мумкин. Чўлпон асарларида турли тасвирий ифода воситалари орқали миллий колорит акс этган бўлса, Ричардсон ижодида ёзувчи давр муаммоларини очик ва эркин ёритишга эришган.

## Хулоса

1. Англияда маърифатчилик адабиёти XVII аср охири ва XVIII аср бошларида юзага келган бўлса, ўзбек адабиётида эса ана шу таррақиёт босқичининг ижтимоий таъсири XX аср бошларида жадиличлик ҳаракатлари асносида шаклланди. Европа маърифатчилигининг пайдо бўлишида жамият онгини, фикрини уйғотиш, ақл-идрок ва билимга, ҳар қандай шароит ва вазиятларда юксак ахлоқий идеалларга таяниш зарурлиги ҳақидаги ижтимоий-фалсафий ғоялар, шунингдек, аёллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари етакчилик қилган ва бу маърифатпарвар ижодкорлар асарларида ўз ифодасини топган.

<sup>26</sup> <https://web.archive.org/web/20180327235035/https://ebooks.adelaide.edu.au/> . Samuel Richardson. Pamela or virtue rewarded.

2. Маърифатчилар Туркистонда халқнинг фикрини уйғотишга, тили, дини, маданияти, урф-одатларини асраб қолишга уринадилар. Европа ва ўзбек маърифатчилигининг умумий жиҳатлари улар томонидан илгари сурилган ватанпарварлик, миллат озодлиги, маърифатчилик, тараққийпарварлик, аёллар озодлиги, тенглиги каби ғояларда намоён бўлади.

3. Инглиз ва ўзбек маърифатчи ижодкорлари аёлни илмли қилмоқ ва шу аснода оилани, жамиятни тарбияламоқ масаласини ўз асарларининг бош ғояси қилиб белгилаганлар. Ўзбек маърифатпарвар зиёлилари (Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий) миллий уйғониш таълим-тарбия ва маърифатда, бунинг учун энг аввал аёлни билимли, саводли қилиб тарбиялаш зарурлигини таъкидлашган бўлса, инглиз маърифатчилик адабиёти вакиллари (Самуэль Ричардсон, Генри Филдинг, Смоллет, Голд Смит) асарларида шахс эркинлиги ғоялари билан бирга аёл эрки ва ҳуқуқлари масаласи асосий ўринни эгаллайди.

4. Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилят” романида жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик натижасида келиб чиққан бадиий конфликт қаҳрамонлар руҳияти тасвири орқали очиб берилган. Асарда Пуритан мухитида яшаган аёлларнинг ижтимоий-ҳуқуқий тенгсизлиги, жамиятдаги ўрни масаласи бош мавзу бўлса, Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” романида XX аср бошларидаги Туркистон мухитида ўзбек аёлининг тақдири масаласи етакчи ўрин тутди.

5. Памела ва Зеби образлари (тенгдош 15 ёшда) бўлиши билан бирга, уларнинг маънавий-руҳий оламида ҳам яқинлик мавжуд. Лекин, ёзувчилар қаҳрамонлар портретини яратишда ўзига хос усуллардан фойдаланади. Асарда Памела портрети батафсил тасвирланган бўлса, Зеби портрети унинг ширали овози тасвири орқали ўқувчи томонидан тасаввур қилинади.

6. Инглиз ёзувчиси С.Ричардсон ва ўзбек адиби А.Чўлпон ижоди генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаса-да, харктер ва қаҳрамонлар руҳиятидаги ўхшашликлар бадиий адабиётда аёл тасвирининг психологик асослари тадқиқида муҳим аҳамиятга эга. Памела ва Зеби образларининг руҳий оламини очиб беришда ҳар икки ёзувчи ҳам психологизмнинг портрет, ички монолог, табиатнинг психологик тасвири, муаллиф ёки учинчи шахс ҳикояси усулларидан кенг фойдаланган.

7. Чўлпон ва Ричардсон ижодида нутқ ва услуб муаммоларини қиёсий ўрганиш натижасида ҳар икки ижодкорнинг ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатлари борлиги аниқланди. “Кеча ва Кундуз” романида ранг-баранг тасвирий ифода воситалари орқали миллий руҳ ва колорит акс эттирилган бўлса, “Памела ёхуд тақдирланган фазилят”да пуритан давридаги инглиз халқининг ижтимоий-маънавий ҳаёти тасвирланади. Ёзувчилар персонаж нутқида хос суҳбатлар, диалоглар, монологлар орқали аёллар ички оламини, улар характеридаги белгилар шаклланишини очиб берганлар.

8. Ричардсон Памела образида европача эркин фикрлаш, ўз ҳис-туйғуларини ошкора ифода этиш, жасорат каби ҳислатларни мужассам этган бўлса, шарқона андиша, ҳаё, ибто билан бирга мутелик, жасоратсизлик каби

хислатлар Чўлпон қаҳрамони Зеби тимсолида намоён бўлади. Бунда ижодкорларнинг романнавис сифатидаги бадиий сўз яратиш маҳорати кўзга ташланади.

9. Ўзбек адабиётидаги жаҳидчилик Европа маърифатчилиги сингари мафкуранинг бир кўриниши бўлиб, уни жамиятга оид воқеликнинг акси ва мазкур воқеликни қайта қуриш воситаси деб қабул қилиш мумкин. Ҳар икки адабиётни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишда замонавий тизимли таҳлил усулларида фойдаланиш миллий адабиётлар табиатини белгилаш учун зарур воситадир.





**SCIENTIFIC COUNCIL FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 AT ANDIJAN STATE UNIVERSITY**  

---

**FERGHANA STATE UNIVERSITY**

**SEVARA SULTANOVNA USMANOVA**

**Depiction of the female psyche in Uzbek and English novels (on the  
example of Abdulkhamid Chulpan and Samuel Richardson)**

**10.00.06 – comparative literature, comparative linguistics and translation studies**

**ABSTRACT OF DISSERTATION OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)**

**Andijan – 2021**

**The theme of the dissertation for doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2020.4.PhD//Fil669**

The thesis was carried out at Ferghana State University.  
The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the Scientific Council website of [www.adu.uz](http://www.adu.uz) and on the website of «ZiyoNet» Information and Educational portal [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Scientific advisor:**

**Abdugapir Abdikarimovich Kasimov**  
Doctor of Science in Philology, professor

**Official opponents:**

**Kabilova Zebo Bakirovna**  
Doctor of Science in Philology

**Pardayeva Zulfiya Djuraevna**  
Doctor of Science in Philology, professor

**Leading organization:**

**Namangan State University**

The defense of the dissertation will be held at the meeting of the Academic Council for the award of degrees PhD.03 / 30.12.2019.fii.60.02 at Andijan State University in 2021 "28" "09" hours 10:50. (Address: 170100 Andijan city, University street 129. Tel: 0 (374) 223 88 14; fax: 0 (374) 223 88 30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

The dissertation is available at the Information Resource Center of Andijan State University (registered under number 93). Address: 170100 Andijan city, University street 129. Tel: 0 (374) 223 88 14.

The abstract of the dissertation was distributed on 2021 "16" "09".  
( Register Protocol No. \_\_\_\_\_ dated 20 " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ ).

**Sh.X.Shahabidinova**  
Chairman of the Academic Council awarding degrees, DSc., Professor

**F.F. Usmanov**  
Academic Secretary of the Academic Council, PhD

**M.I.Umarkhadjaev**  
Chairman of the scientific seminar under the Academic Council, which awards academic degrees, DSc., Professor



## INTRODUCTION (PhD dissertation annotation)

**Relevance and necessity of the dissertation topic.** In world literature, the scope of research aimed at the conceptual study of masterpieces created in the field of enlightenment of Western and Eastern literature on the basis of comparative methods is growing. In recent years, important issues such as the typological study of novels based on certain artistic principles in different regions and different literary environments, the comparison of their national and cultural features within the mastery of artists, the theme of these works, the common and different aspects of artistic expression of conceptual ideas are being resolved.

In the world of literature, the comparative study of the works of representatives of literature of other places and times is important in creating the theoretical basis of the problem. As a result of such research in the field of art, the artist's artistic thinking is penetrated through the national culture, traditions, customs, worldview, philosophy of understanding life.

In the modern achievements of Uzbek literature, research aimed at comparative study of works of foreign and Uzbek writers and the solution of issues that ensure the place of our national works on the stage of world culture has both scientific and practical significance. After all, there is not a single novel in the annals of world literature in which the image of a woman has not found an artistic embodiment. Among the works of art depicting women in bright colors are novels created during the Enlightenment. It is known that a specific stage of world literature civilization - the works created in the Enlightenment - focuses on the fight against spiritual dependence, fear and oppression, oppression, as well as the role of women in society, the family and the protection of their rights. This underscores the need to apply integrated methods and techniques of modern systematic analysis to the comparative-typological study of each work in this area, to pay attention to the scientific and social aspects of this research.

During the years of independence, attention has been paid to the translation of works of Uzbek writers into foreign languages, and the works of foreign writers into Uzbek. Today in our country "... the creation of effective mechanisms for the promotion of scientific research and innovation, the implementation of scientific and innovative achievements"<sup>27</sup> Particular attention is paid to the comparative and comparative study of works of art created in Uzbek and foreign languages. In particular, in Uzbek and English novels the image of the female psyche is described by A. Cholpon and S. Richardson. The need for scientific research and the identification of theoretical foundations in the example of Richardson's work justifies the relevance of this research.

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4794 of May 13, 2016 "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi" and No. PF-4947 of February

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль, №28 (6722).

7, 2017 “On Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan” Decree No. PQ-2789 of February 17, 2017 “On measures to further improve the activities, organization, management and funding of research activities of the Academy of Sciences”, PP-3775 of June 5, 2018 “On the quality of education in higher education institutions On additional measures to increase and ensure their active participation in the ongoing comprehensive reforms in the country”, October 8, 2019 This research will serve to a certain extent in the implementation of the tasks set out in the Decree No. PF-5847 “Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030”, the Address to the Oliy Majlis of December 29, 2020 and a number of other regulations.

**Correspondence of the research to the priorities of the development of science and technology of the republic.** This research was carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology of the republic 1. “Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democratic state”.

**The degree to which the problem has been studied.** A number of scientific works devoted to comparative literature have been created in world literature. V.Jirmunskiy, N.Konrad, D.Dyurishin, A.Dima, I.Neupokoeva, V.V.Vinogradov, V.E.Khalizev, M.B.Xrapchenko, A.A Potebnya, M.M.Baxtin<sup>28</sup>, as important theoretical issues of comparative literature have been extensively covered in the research of scholars.

In Uzbek literature by N.Kamilov, F.Sulaymonova, B.Sarimsakov, A.Kasimov, S.Meliev, R.Abdullaeva, O.Iskandarova, F.Juraeva, N.Toirova, G.Khallieva, H.Djalilova, U.Saidov the interrelation of our national literature with the literature of other nations is studied<sup>29</sup>.

---

<sup>28</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979; Конрад Н.И. Запад и Восток. – М., 1972; Дюрин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979; Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – М.: Прогресс. 1977; Неупокоева И.Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. – М.: Наука, 1963; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С.397; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Писатель, 1975. – С.407; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 614; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 502.

<sup>29</sup> Комилов Н. Ибн Сино ва Данте. – Т., 1983; Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1999; Саримсоқов Б. Фольклоризм типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. – № 4. – Б.37-46; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1999; Мели С. Данте ва Навоий: юксак фазоларда учрашув // Жаҳон адабиёти, 1998. – № 2. – Б.6-12; Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти (адабий алоқа, таржима ва адабий таъсир масалаларига доир): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1986; Исқандарова О. “Диёнат” ва “Қиёмат” романларида инсоний муносабатларнинг бадиий тасвири: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1995; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1998; Жўраева Ф. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2000; Тоирова Н. Бадиий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғоявий-эстетик вазифалари (Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2018; Халлиева Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2016; Джалилова Х. Саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари (XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилик адабиёти ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2008. – 170 б.; Саидов У. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида комил инсон масаласи (Европа маърифатчилик адабиёти билан қиёсий ўрганиш тажрибасидан): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2002. – 161 б.

O.Sharafiddinov, M.Kushjanov, B.Nazarov, H.Boltaboev, N.Karimov, B.Kasimov, D.Kuronov, S.Mamajonov, U.Normatov, B.Karimov, Z .Eshonova, M.Yuldashev, U.Nosirov, A.Rasulov, M.Kuchkarova<sup>30</sup>.

On the poetic mastery of Samuel Richardson, Levan Gerald, D. Blevatt, E. Brofi, L. Sydney, M. Vocanstraf, K. Obrien, J. Brady, Dudi Margaret Anna, Flien Carroll Julian, Indic Ivor, J. Mullan, John Pierce, and others. Russian scientists N.P.Kostyuk, K.A.Mnatsakanyan, E.A.Bondarenko conducted scientific research.<sup>31</sup>

There are researches of Uzbek scholars N.Muhammedova, H.Muhammedova, U.Fayzullaeva on the interpretation of the image of women in European literature.<sup>32</sup>

Although H. Lutfiddinova, Rahim Gulshan, and Sh.Tuychiyeva<sup>33</sup> are also, in Uzbek literature, the similarities between the Uzbek literature of the national revival period and the European enlightenment literature of the XVIII century, the style of the creators, the problems of psychologism in the images are not fully studied.

**Relationship of the research with the plans of research work** of the higher education institution where the dissertation was completed. This research was conducted in the framework of the research plan of Fergana State University in the direction of “Problems of Poetics”.

---

<sup>30</sup> Шарафиддинов О. Дунёда офтоб борки // Ҳақиқатга садоқат. – Т., Адабиёт ва санъат, 1989. – Б-334-344; Болтабоев Ҳ. Стилевые искания современной узбекской прозы (70-е годы): Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Т., 1989; Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т., Шарқ, 2004. –Б.288; Мамажонов С. Наср, давр, қахрамон. –Т., Адабиёт ва санъат, 1983; Норматов У. Насримиз анъаналари. – Т., Адабиёт ва санъат, 1978; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. –Т., Ёш гвардия, 1985; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Т., Адабиёт ва санъат, 2016 –Б.6-35; Носиров У. Ижодкор, шахс, бадий услуб, автор образи. – Т., Фан, 1981. –198 б.; Расулов А. Бадийлик безавол янгилик. –Т., Шарқ, 2007. –Б.333; Қўчқорова М. Бадий сўз ва рухият манзаралари. –Т., Мухаррир, 2011.

<sup>31</sup> Levin Gerald. Richardson the Novelist: The Psychological Patterns New York: Humanities Press.1978; Blewett D. Passion and Virtue: Essays on the Novels of Samuel Richardson Toronto: University of Toronto Press.2001; Brophy E. Samuel Richardson. – Boston (Mass.), 1987. – P.18; Lanier Sydney. The English Novel: A Study in the Development of Personality. –London, 1997. – P. 47; Wollstonecraft M. A Vindication of the Rights of Woman/ Mary Wollstonecraft. – London: Penguin, 1975. –P. 340; O'Brien K. Women and Enlightenment in Eighteenth. –Century Britain: Cambridge Univ. Press, 2009.P.792; Brady Jennifer. Readers in Richardson's Pamela.English Studies in Canada, Vol. IX . – 1983. – P.164-176; Doody Margaret Anne. A Natural Passion: A Study of the Novels of Samuel Richardson. Clarendon Press. – Oxford, 1974; Flynn Carol Houlihan. Samuel Richardson: A Man of Letters. Princeton University Press. Princeton, NJ, 1982; Indyk Ivor. Interpretative Relevance, and Richardson's Pamela . Southern Review Australia, Vol. 16. – 1983. –P. 31-43;Mullan John. Sentiment and sociability. The Language of Feeling in the Eighteenth Century. Clarendon Press. Oxford.1990; Pierce John B. Pamela's Textual Authority Eighteenth-Century Fiction.Vol.7. – 1995. – P. 131-146. Костюк Н.П. Философия просвещения и статус женщины в обществе xviii// Антропологічні виміри філософських досліджень. – 2015, №7. – Б.88-9; Бондаренко Е.А. Повествовательные модели и их роль в сюжетостроении в романах С. Ричардсона: «Памела, или Вознагражденная добродетель, «Кларисса Гарлоу, или История юной леди», «История сэра Чарльза Грандисона» : Дисс ... канд. филол. наук. – М.: Наук РГБ, 2004. – С.182; Мнацаканян К.А. Образ положительного героя в Английской прозе XVIII века // Вестник ПСТГУШ: Филология, 2009. –№3(17). – С.88-96.

<sup>32</sup> Мухаммедова Х.Э. Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси: Филол. фан. номз. ... дисс. –Т., 2019; Мухаммедова Н.Э. Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий мақомининг ўзига хослиги: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2019; Файзуллаева У.И. Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2020.

<sup>33</sup> Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёл образи (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва Кундуз” романлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994; Раҳим Гулшан Мухиддин қизи. Абдурауф Фитрат ва жадид адабиёти: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1999.

**The purpose of the research** is to scientifically study the artistic image of the female psyche in the Uzbek and English enlightenment literature on the example of the novels of A. Cholpon and S. Richardson.

**Objectives of the research:**

determination of socio-philosophical bases of Uzbek and English enlightenment literature;

to reveal the commonalities and differences in the creation of the image of women in fiction in terms of historical periods and national identity;

a comparative analysis of the aspects of artistic mastery in the depiction of the female psyche in the work of Samuel Richardson and Abdulhamid Cholpon;

exploring the place and role of artistic imagery in Samuel Richardson's "Pamela or the Awarded Virtue" and Abdulhamid Cholpon's "Night and Day";

scientific substantiation of writers' skill in using the possibilities of speech and style in revealing the spiritual world of female protagonists.

**As the object of the research** Abdulhamid Cholpon's novels "Night and Day" and Samuel Richardson's "Pamela or Awarded Virtue" were selected.

**The subject of the research** is the artistic interpretation of the spiritual world of female protagonists in Abdulhamid Cholpon's novels "Night and Day" and Samuel Richardson's "Pamela or Awarded Virtue".

**The methods of research.** Comparative-typological, comparative-historical methods were used to cover the research topic.

**The scientific novelty of the research is determined by:**

the similarity in the socio-historical context that led to the formation of the Jadidism in Uzbek literature and the Enlightenment movement in European literature, and the ideological similarity in the role and social status of women in society;

it is revealed that the artistic image of the lower class in a society of class and gender inequality is a serious and common feature of the image of women in the English Enlightenment literature;

A comparative study of Zebi and Pamela, the protagonists of Night and Day and Pamela or Awarded Virtue, is based on the time, environment, and the role of national characteristics of Uzbek and British women in the interpretation of the heroes' psyche.

Zebi's oriental nature, modesty, cowardice, and the expressions of free-thinking, determination, and courage in the image of Pamela have been shown to be distinctive features of the character of Uzbek and English girls;

**The practical results of the study are as follows:**

Abdulhamid Cholpon's novel "Night and Day" proves the importance of the artistic means used by the author in the depiction of the female psyche in revealing the ideological content of the work;

In Samuel Richardson's novel Pamela, or Awarded Virtue, the writer's skill in applying the methods and techniques of artistic psychologism in the depiction of the female psyche is proven on the basis of artistic evidence;



Although the English and Uzbek Enlightenment literatures differed periodically in the course of the research, Abdulhamid Cholpon's novels "Night and Day" and Samuel Richardson's "Pamela or Awarded Virtue" revealed a commonality in the depiction of the female psyche.

**The reliability of research** results is determined by the appropriateness of the approach and methods used for research purposes, the theoretical data are based on scientific sources, the relevance of selected artistic sources to the research subject, the application of theoretical ideas and conclusions in practice, analysis and interpretation using literary methodology.

**Scientific and practical significance of research results.** The scientific significance of the results of the research is that the textbooks and textbooks for students of comparative literature, "Comparative Literature", "Theory and Practice of Translation", "Fundamentals of Scientific Work" at the bachelor's and master's levels of higher education can be used in improvement.

**Implementation of research results.** Based on the scientific results of the study of the image of the female psyche in Uzbek and English novels on the example of the works of Abdulhamid Cholpon and Samuel Richardson:

Information about the enlightenment movement and fiction, socio-philosophical foundations of the Uzbek and British enlightenment movements, the formation of the literary environment in the Uzbek literature of the national revival period was used in the exposition "Department of History of Fergana" of the State Museum of History and Culture of Fergana region. (Reference of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan dated August 18, 2020 № 01-12-10-3057). As a result, the museum's exposition was enriched with innovations and gained spiritual significance;

OT-F-1-100 "Theoretical and practical improvement of socio-cultural activities of children with disabilities on the basis of artistic means" 2017-2020y) was used in the fundamental project. (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special Education No. -089-03-682 dated February 5, 2021).

As a result, the development of artistic creativity of young people with disabilities, the formation of their spiritual and moral qualities;

From the artistic depiction of the female psyche in Uzbek and English enlightenment literature, to the problems of speech and style in the works of Cholpon and Richardson, the Concept and model of educational content and structure of the educational process of the German Institute (2019-2020) used in a practical project on the content of education and the concept and model of the educational process). As a result, the content of education and the concept of the educational process have been enriched scientifically and practically;

Materials on Jadidism and literary environment, Uzbek and English Enlightenment literature and its stages of development were used in the practical project of the Azerbaijan State Pedagogical University "Cultural Heritage of Uzbekistan in the World Heritage Complex" (2018-2019). (Reference number 4264/21-FAW, Azerbaijan State Pedagogical University, July 29, 2021. As a

result, the cultural heritage of Uzbekistan has been included in the world cultural heritage complex;

The listener was informed about the scientific conclusions on the artistic and psychological basis of the image of women in fiction in the issues of the information program “Fergana24” of the Fergana regional television and radio company. The information provided was used in such programs as “Literary environment”, “Property of the soul” and “Spirituality is the mirror of the heart”. (Reference No. 208 of the Fergana Regional Television and Radio Company dated June 8, 2021). As a result, the shows are scientifically and practically enriched, their social characteristics have increased.

**Approbation of research results.** The results of the research were presented in the form of reports at 10 scientific-theoretical and scientific-practical conferences, including 7 international and 3 national conferences, and were publicly discussed.

**Publication of research results.** A total of 18 scientific papers on the topic of the dissertation were published. Of these, 9 articles were published in scientific journals recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for publication of the main results of doctoral dissertations, including 5 in national and 4 in foreign scientific journals.

**The structure and scope of the dissertation.** The content of the dissertation consists of an introduction, three main chapters consisting of eight chapters, a conclusion and a list of references, the volume of which is 141 pages.

#### **MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION**

The introductory part is based on the relevance and necessity of the topic, describes the goals and objectives, object and subject of research, its relevance to the priorities of science and technology development, describes the scientific novelty and practical results, reveals the scientific and practical significance of the results, information on the structure of published works and dissertations.

The first chapter of the dissertation, entitled “**The Enlightenment Movement and Fiction**”, analyzes the socio-philosophical basis of the emergence of Enlightenment literature in England in the late XVII and early XVIII centuries, and Uzbek literature in the early XX century in the form of Jadid movements, as well as interpretations of women in literature.

The first part of the chapter is entitled “**Socio-philosophical foundations of the English and Uzbek enlightenment movement.**” In Western Europe, eighteenth-century enlighteners promoted the vital concept of “Man creates his own happiness” tried to get rid of ignorance, to assimilate national spirit and national values, ideas of human identity through enlightenment movements. A number of studies have shown that such efforts began to bear fruit after 1905, and that the stages of intellectual awakening and cultural progress among the people were essentially similar in many respects to the French Enlightenment of the eighteenth century. In particular, the literary critic D. Kuronov notes that the Jadid movement in many respects resembles the enlightenment movement that spread in



Europe in the XVIII century.<sup>34</sup> The ideas of rationalism and free thought flourished during the period when the eighteenth century entered the history of Europe under the name of the “Age of Enlightenment” and was aimed at the development of national awakening, scientific, philosophical and social thought.

The enlightenment movement, which began under the influence of the socio-political revolution in England, later spread to France, Germany, Russia and other European countries. The social foundations of enlightenment emerged through the “society-period-religion” relationship and were formed on the basis of the enlightenment ideas of the socio-political and cultural life of the East and the West in the XVIII century.

Although the Eastern and Western enlightenment movements differ from each other, they also show common features as an intellectual-artistic phenomenon on a global scale. While enlightenment in Europe is mainly regarded as a phenomenon of the seventeenth and eighteenth centuries, it is ancient and ancient in Eastern civilization.

D. Defoe, the first representative of the English enlightenment literature of the XVIII century, the founder of the realistic novel genre, described the adventure, historical, autobiographical aspects of the novel genre, the social aspects of life in his novels, the influence of environment and nature on the development of the individual strange Surprising Adventures of Robinson Crusoe, 1719). The chapter also explores the nature of man and society in Enlightenment writer Jonathan Swift's Gulliver's Travels. The Russian scholar V.N. Kuznetsov was right when he said that “interest is at the heart of the Enlightenment's views on morality”.<sup>35</sup>

According to J. Locke, cognition consists of the relationship between nature and man, and the truths consist of the conformity of the concepts, thoughts, and opinions formed by man in the process to the universe. The above-mentioned socio-philosophical views determined the ideological direction of European literature.

In the life of the Turkic peoples, the Enlightenment movement was very controversial in the 19th century. By the first half of the 19th century, both the National Awakening and the Enlightenment had emerged in Turkestan. The Enlightenment movement, especially in its heyday, promoted the search for and promotion of an independent path of spiritual development in Turkestan, taking advantage of the positive achievements of other countries. It was on the basis of these enlightenment movements that the concept of Jadidism came into being.<sup>36</sup>

Jadidism brought about new changes in the socio-political life of Central Asia. The concept of “human” in the English Enlightenment literature is also reflected in the Uzbek Enlightenment literature. But at the heart of the concepts of “man” and “humanity” in English literature are the vital aspirations and practical

---

<sup>34</sup> Куронов Д. Жаҳон адабиётига йўл // Жаҳон адабиёти, 1997. – № 6. – Б.166.

<sup>35</sup> Кузнецов В.Н. Французский материализм XVIII века. – Москва, 1981. – С.216.

<sup>36</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б.64.

interests of people. While interest is central to the views of European enlighteners on morality, the Jadids, including Fitrat, are at the center of social views. The Jadids conclude that in the concept of the perfect man, the interests of society, nation, and country are closely intertwined with the interests of man. European enlighteners, on the other hand, associate human good deeds with personal gain. Jadidism, on the other hand, is a movement based on world social and national values, formed as a movement that meets the interests of the indigenous peoples of Central Asia and can fully meet the mature needs of social development. Jadid literature has a special place in the development of the literature of the national revival period.

The second part of the chapter, entitled **“The Interpretation of the Image of Women in English Enlightenment Literature”**, reflects the views of women and their place and dignity in the society of the national revival in Western Europe in the eighteenth century. By the eighteenth century, the social status of women in society in England was classified as follows:

- 1) representatives of the lower class;
- 2) representatives of the middle class;
- 3) representatives of the upper class.<sup>37</sup>

While the country’s aristocratic ladies were concerned about how to spend their time, middle-class women were preoccupied with finding a suitable groom, dressing and knitting. Lower class members were worried about where to find food for tomorrow. These issues of class stratification and inequality were reflected in the literature of this period.

The long struggles for women's equality in Europe in the early seventeenth and eighteenth centuries led to unhappiness, deprivation, humiliation, and discrimination against women instead of happiness, freedom, and family peace. While Western democrats have long lamented the “tragic fate” and “tragic lives” of Eastern women, the plight of women in Europe has not been commendable.

